

Кўзи ожизларга Брайл ёзувидаги Қуръон ҳадя этилди



11:48 / 05.11.2018 2501

Кунни кеча “Мурувват кунни” тадбири доирасида Дин ишлари бўйича қўмита Саудия Арабистонидан махсус келтирилган Брайл ёзувидаги Қуръонни кўзи ожиз инсонларга тухфа қилди. Бу ҳақда Turon24 нашри [хабар берди](#).

Пойтахтда ташкил этилган тадбирда 250 нафар кўзи ожиз ҳамда эшитиш ва гапириш имконияти чекланганлар иштирок этди.

Тадбир давомида “Вақф” хайрия жамоат фонди ҳам ногиронларга қимматбаҳо совғалар топширди.



Имконияти чекланганлар диний адабиётларни Брайл ёзувида нашр этиш, аудиодисклар чиқариш, диний-маърифий тадбирларни ўтказиш учун бино ажратиш, ногиронлар учун махсус сайт ташкил қилиш бўйича қатор тақлифларни билдиришди.

"Ўзбекистонда 23 мингта кар-соқов бўлса-да, уларга 50 тагина сурдотаржимон бор, – дейди меҳмонлардан бири. – Ҳеч бўлмаса, 300 нафар ана шундай таржимон керак. Бугунги кунда масжидларда ҳам сурдотаржимонларга катта эҳтиёж бор".

Тадбирда шу каби муаммолар ва уларнинг ечими бўйича қатор таклифлар билдирилди. Кейинги мурувват кунига қадар амалга ошириладиган режалар белгилаб олинди.

***Islom.uz* портали таҳририяти**